*Ийди-Рамазон муборак*



# ШУКРОНАЛИК АЙЁМИ

**Эртага барча мўмин-мусулмонларнинг азалий ва абадий байрами — Рамазон ҳайити нишонланади. Шу муносабат билан мухбиримиз Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари, Ҳожи Абдураззоқ Юнусга бир нечта саволлар билан мурожаат қилди.**

**— Тақсир, дастлаб Рамазон ойи рўзасининг муборaклиги, ҳайитнинг ўзига хос хусусиятлари, бизнинг байрам кунларидаги бир-биримизга муносабатларимиз хусусида икки оғиз тўхталсангиз...**

— Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм!

Ҳур диёримиздаги барча тинчликсевар халқларини бу улуғ ҳайит байрами билан муборакбод этаман. Буюк Истиқлол шарофати ила барчамиз мана шундай улуғ айём ила бир-бирларимизни сидқидилдан муборакбод этиш шарафига муяссар бўлиб турибмиз. Аллоҳнинг ҳузуридаги ойларнинг энг афзали, барака, раҳмат ва мағфират ойи бўлмиш муборак Рамазони шарифнинг ўттиз кунлик рўзасини баркамол адо этишликка насиб этмоқда. Бу покланиш ойида қилган ибодатларимиз, тутган рўзаларимиз, хайрли амалларимиз, масжидларда ўқиган Ҳатми Қуръон ва таровеҳ намозларимизни, шунингдек саҳар чоғида қилган дуо-ю илтижоларимизни Оллоҳ таоло ўз даргоҳида қабул айлаб, ўзининг туганмас ғайбиясидан кўпдан-кўп ажру савоблар ато қилсин.

Рамазон ҳайитининг файзу баракоти қалбларимизни ва хонадонларимизни мунаввар айласин. Муборак Рамазон кунларида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарияти ва жомеъ масжид имом хатибларининг телевизор, радио ва оммавий ахборот воситалари орқали чиқиб, имон-эътиқод, адлу инсоф, меҳр-оқибат, дўстлик ва биродарликка бағишланган кўрсатув ва эшиттиршлардаги маърузалари, шунингдек, қизиқарли мақолалари билан чиқишлари эсдан чиқмайдиган муҳим воқеа бўлди.

Маълумки, Рамазон ойи — покланиш ойидир. У айни чоғда, Рамазон ҳайити кунларида кўзга янада яққол ташланади. Бу кунда барча мусулмонлар бир-бирларини муборакбод этиб, табаррук отахон-онахонларга имон, ёшларга тавфиқу рушди ҳидоят тилашади. Қариндош-уруғларни бориб кўриб, ёру-биродарларни зиёрат қилиб, ўз яқинлари ва беморларнинг ҳолидан хабар оладилар. Бу кунда шундай хайрли ишлар ҳар бир эзгу ниятли кишиларнинг қалб эҳтиёжига айланади. Бирор сабабга аразлашган, гина-кудратли таниш-билишлар ҳам ҳайит кунларида бир-бирларига қучоқ очадилар, ўзаро узр сўрашадилар. Чунки кечиримли ва меҳр оқибатли бўлиш ҳар бир мусулмон учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Яна шуни таъкидлашим керакки, Рамазон ҳайити фақатгина фотиҳагарчиликдан иборат бўлиб қолмаслиги керак. У ўз номи билан шодиёна, байрамимиздир. Ҳар биримиз соғ-саломат шу муборак кунга етганимиз билан бир-биримизни қутлаб, хурсандчиликларимизни изҳор этмоғимиз даркор.

Мўмин-мусулмонлар фақатгина шу Рамазон ҳайити кунларида эмас, балки йил давомида бир-бирларига бўладиган муомала-ю муносабатларни яхши қилмоқликлари лозим. Шунингдек, Оллоҳ таолонинг уларга берган неъматларидан хайр-эҳсон этишлари керак. Саҳоватпеша кишиларимиз муҳтож одамларга, мискину фақирларга ёрдам қўлларини чўзмоқликлари қандай яхши.

**— 2001 йил «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилиниши муносабати билан фикр мулоҳазангизни билмоқчи эдик...**

— Ислом дини кишиларни бир-бирига меҳру-оқибатли бўлишга чақириш билан бирга, уларни динидан, миллатидан қатъий назар ўзаро иззат-ҳурмат кўрсатишга ундайди. Бу жамиятнинг бирлигига унинг аъзолари орасида дўстликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлади. Президентимиз Ислом Каримов жаноби олийлари томонидан 2001 йил «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилиниши ҳам, албатта, бежиз эмас.

Ҳурматли Президентимизнинг Оналар ва болалар хусусида айтган шундай илҳомбахш сўзлари бор: «... Янги йилни Яратганимизнинг буюк мўъжизаси бўлган барчамизни шу ёруғ дунёга келтириб ўзининг бутун борлигини бағишлайдиган ҳаёт давомчиси бўлмиш Оналар ва жондан азиз болаларимиз тимсолида кўришимиз, ўйлайманки, жамоатчилигимизга, халқимизга маъқул келади. ... Она ва боланинг ҳаёти бир-бирига узвий боғлиқлигини она ва оиланинг болага таъсири, унинг ана шу муҳитда ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан озиқ олишини ҳеч қачон унутмаслик керак».

1999 йил «Аёллар йили», 2000 йилни эса «Соғлом авлод йили» ва 2001 йил эса «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилиниши мамлакатиимиз раҳбарияти томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг изчил эканлигини кўрсатиб турибди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бир муборак ҳадис шарифларида: «Қизларни турмушга чиқариш тўғрисида оналари билан маслаҳатлашинглар» — деганлар.

Шундай экан ҳар бир оилада, айниқса ёшларимиз катталар берган маслаҳат ила иш юритсалар, ёш оилалар мустаҳкам, жамиятимиз эса янада фароғатли бўлади.

Барча ватандошларимизни муборак Рамазон ҳайити ила яна бир бор самимий қутлаб, барча оилаларга Оллоҳ таолодан фаровон ҳаёт, бахт-саодат, она-Ватанимизга тинчлик, осойишталик тилаб, осмонимиз доим мусаффо бўлсин, деб сўраймиз.

**— Суҳбатингиз учун катта раҳмат. Бу эзгу тилакларингизга биз ҳам қўшиламиз.**

## ЎЗИНГДАН БЕГОНА ҚИЛМА

*Шайтон қаримайди, гуноҳ аримас,*
*Сени унутганга дуо доримас,*
*Бўйнидан боғлаган овга ярамас,*
*Илоҳим, ўзингдан бегона қилма!*

*Ёмон кўп демасман,балки мен ёмон,*
*Муборак назаринг бургил мен томон,*
*Йўлдан адаштирма раҳмдил Раҳмон,*
*Илоҳим, ўзиндан бегона қилма!*

*Қуёш оразида меҳринг мужассам,*
*Қаҳрингдан қўрқаман йўқ бунга шубҳам,*
*Жаннатдан қувилган Одам Ато ҳам,*
*Илоҳим, ўзингдан бегона қилма!*

*Жойнамоз жамоли, ибодатинг хуш,*
*Тиллардан тушмаган тиловатинг хуш,*
*Ўзингга айтганим, саловатинг хуш,*
*Илоҳим, ўзингдан бегона қилма!*

*Шайтон қонимизда оққувчи риё,*
*Иймон караминдан таралган зиё,*
*Маҳмуд, умидворман қилдим тавалло,*
*Илоҳим, ўзингдан бегона қилма!*

**Маҳмуд ТОИРОВ.**

## ВИЛОЯТ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

***«Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича» вилоят комиссиясининг, шаҳар ва туман ҳокимликлари, бошқармалар, корхона ва ташкилот раҳбарлари, вилоятда банкрот деб эълон қилинган корхоналарнинг ишончли шахслари иштирокида навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

***Мажлисни Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари, комиссия раиси А. Йўлдошев бошқарди.***

Мажлисда иқтисодий ночор корхоналар ишлари вилоят бошқармаси бошлиғи, комиссия котиби А. Зокировнинг ахбороти тингланди.

Ушбу мажлисда вилоятда банкрот корхоналарни тугатиш жараёнларининг бориши таҳлил қилиниб, Бекобод, Оҳангарон шаҳарлари, Юқоричирчиқ, Оҳангарон туманларида банкрот деб эълон қилинган корхоналарни тугатишда йўл қўйилган хато ва камчиликлар аниқланди ҳамда уларни бартараф этиш муддатлари ва назорат чоралари белгиланди.

Комиссия томонидан тўлов қобилиятини йўқотган, зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг молиявий фаолияти ўрганиб чиқилиб, маълум муддат ичида иқтисодий ночорликдан чиқиш, кўрилган зарарни қоплаш тўғрисидаги корхона раҳбарлари, туман ва шаҳар комиссиялари раисларига тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

*Яхшилар ёди*

# ЭСЛАБ ЮРАРСИЗ...

***МУҲАММАДЖОН акани эслайман. Муҳаммаджон Қўшоқовни! У киши беозор сўзлашлари, майин жилмайишлари, ҳамсуҳбатининг ўринли, ўринсиз ҳар қандай сўзларини чидам билан жимгина тинглаб, оқилона хулоса чиқаришга моҳирлиги билан ажралиб турарди. Муҳаммаджон ака кўпчиликнинг назарида беозор, меҳнаткаш, ўта ориятли ва мулоҳазали дилкаш инсон, яхши шоир ва фидойи журналист ҳам эдилар.***

У кишининг яхши фазилатларига қарши ўлароқ, тирикчилик тошдан қаттиқ деганларидек, ижодий имкониятларининг очилмаган қирралари борлиги билан ажралиб турар ва бу ҳолат кўпчиликни ҳайратга соларди, чоғи.

Гап шундаки, Муҳаммаджон ака ўзида бор имкониятларни юзага чиқара олмаган. Камтаринликми, андишами, тортинчоқликми ёки турғунлик йилларининг ҳайбаракаллачилиги асоратими, ҳарқалай нимадир ҳалал берарди у кишига. Нима бўлганда ҳам, журналист Қўшоқовнинг иқтидори, шоир Қўшоқов ижодида ўз аксини топа олмаган эди.

Ўшанда, «Ёш ленинчи» газетасининг Адабиёт ва санъат бўлимида ходим бўлиб ишлардим.

Бир куни газета муҳаррири Рустам Шоғуломов чақириб шундай дедилар:

— Менга қара, кўктераклик шоир (у киши қилган ишидан мамнун бўлганларидагина шундай мурожаат қилардилар), сени қишлоқ хўжалиги бўлимига ўтказмасак бўлмайди. Муҳаммаджон аканинг ёлғиз ўзи қийналиб қолаяпти.

Мен нималарнидир важ қилиб минғилладим.

— Гап битта, — деди Рустам ака чўрт кесиб, — эртадан бошлаб қишлоқ хўжалиги бўлимида ишлайсан. Биз редколлегияда келишиб қўйдик. Муҳаммаджон Қўшоқов тажрибали журналист. Билмаганларингни ўргатади. Сен ўзи оёқ-қўли чаққон йигитсан-ку!

Муҳаммаджон ака билан ота-боладек иноқлашиб кетдик. Одатда Муҳаммаджон ака ишга вақтли келиб, кеч кетардилар. «Эрталабки ишнинг унумига не етсин», дегувчи эдилар.

У кишининг ён чўнтакларида ҳамиша саккиз букланган бир варақ қоғоз бўларди. Ўша қоғозга бўлажак асарнинг қораламаси жудаям майда ҳарфларда ёзиларди. Қоғознинг ҳар саккиз тарафи ёзувга тўлгач, ёзувхонадаги чаққон қизлардан бирига айтиб, ёздирар эдилар. Кўпгина очеркларининг ана шундай антиқа услубда дунёга келганлигининг гувоҳи бўлганман.

Асар битиб, оққа кўчирилгач, Муҳаммаджон акани таниб бўлмасди. Ўта сўзамол бўлиб қолар, чўзинчоқ юзлари яшнаб кетар, дарров қадрдони Маҳкам Раҳмонга ўқитиб олишга ошиқар эдилар, фақат у кишининг танқидларинигина тан олардилар.

Агар биз ҳамкасблари у кишини мақтасак, шундай жилмайиб қўярдиларки, мен бу жилмайишларнинг сирини ҳали-ҳали англаб етмаганимга ўкинаман, холос. Гап шундаки, Муҳаммаджон ака ҳаммани ҳам ўзига дўст тутавермас, бу борада жуда ҳам эҳтиёткор эдилар. Эҳтимол, ўша пайтларда бировнинг ютуқларини кўролмайдиган, ялтоқи, чақма-чақар, хушомадгўй кимсалар у кишининг зукко қалбига кўпроқ озор бермаганмикин, деган андишага ҳам бораман. Зада бўлган қалбнинг қайта тикланиши эса ҳамиша ҳам осон кечавермайди. Ҳамонки, у кишининг дўстлари ҳақида сўз очилган экан: Аҳмаджон Валиев, Қамариддин Исломов, Маҳкам Раҳмон сингари дўстларини ғоятда қадрлар, улар ҳақида гап кетганда оғизларидан бол томар эди. Албатта, мен бу борада ҳукамо ҳам эмасман. Муҳаммаджон аканинг безовта руҳи олдидаги қарзимни уза олсам бас, деган фикр ўртайди, холос...

Бир куни ишдан кейин энди уйга кетмоқчи бўлсам Муҳаммаджон ака:

— Шавкат, эрталаб соат еттиларда Кўкчадаги бозорчага кела олмайсизми? — деб сўрадилар.

— *Тинчликми?* — дедим ҳайрон бўлиб.

— Эртага келсангиз биласиз, — дедилар айёрона жилмайиб...

Эрталаб айтилган жойга етиб келсам, Муҳаммаджон ака кутиб турган эканлар.

Кўкча бозори. Сал чоғроқ бўлса ҳам ҳамма нарса бор. Кузги тўкинчилик бутун малоҳатини, бутун маҳоратини шу бозорга солиб, кўз-кўз қилаётганга ўхшарди. Бу ерда ҳамма — новвой ҳам, қаймоқ сотувчи ҳам, узумфуруш ҳам Муҳаммаджон акани танишар, унга илтифот қилишар эди. У киши ҳам ўз навбатида бу илтифотларга муносиб жавоб берарди. Бозор айланиб юриб, иккита иссиқ нон, бир коса қаймоқ, икки қадоқдан мўлроқ узум харид қилдилар.

— Бозорни катта қилвордингиз-ку, — дедим Муҳаммаджон аканинг камхаржлигига ишора қилиб.

— Энди, сизни бир меҳмон қилай дедим-да, кейин эслаб юрарсиз, — дедилар майингина жилмайиб...

Биз кейинроқ ҳам бир неча марта Кўкчада, ўша серсоя чойхонадаги чорпояда мириқиб нонушта қилдигу, аммо...

«... Кейин эслаб юрарсиз!» Айтилган сўз, отилган ўқ. Назаримда, шундай илиқ сўзлар бўладики, қалбингда бир умр нақшланиб қоларкан. «Кейин эслаб юрарсиз!» Бу сўзларнинг қат-қатларида қандай сиру-асрор борлигини ким билади, дейсиз. Кейинчалик ўша сўзларни эслаганимда, қалбимга гоҳ илиқ бир меҳр қуйилиб киради, гоҳ тош бўлиб тиқилиб кўзларим намланади.

Пахта йиғим-терими авж паллага кирган кунлар эди, чоғи. Ғиждувонда сафарда эдим. Мени меҳмонхонага излаб келишди.

— Тошкентдан қўнғироқ қилишди, кимдир вафот этибди...

Хаёлимга лоп этиб «Кейин эслаб юрарсиз!» деган сўзлар отилиб кирди-ю, Муҳаммаджон аканинг бетоблигини, у кишини кўргани борганимизда «Яхши-ёмон гапирган бўлсам, рози бўлинглар!» деган илтижолари қайта-қайта такрорлангандек бўлди...

Тошкентга қўнғироқ қилиб, ҳеч кимни тополмадим. Тушдан кейин эса ниҳоят телефон дастагини Ҳадичахон Лутфиддинова кўтарди:

— Шоир, — деди у ўпкасини тутолмай, — Муҳаммаджон акадан айрилиб қолдик...

Телефон дастаги ғижирлади. Ҳадичахон куюниб, йиғларди, мен уни юпатган, кўнгил сўраган бўлардиму дилимда эса «Кейин эслаб юрарсиз!» деган сўзлар чархпалак сингари чир-чир айланарди.

Муҳаммаджон акани эслайман. Ҳа, ўша чумоли янглиғ меҳнаткаш, ҳеч кимга озор бермайдиган, камтар, камсуқум, яхши шоир ва самимий инсон — Муҳаммаджон Қўшоқовни! У кишидан яхшилик қолди. У кишидан яхши фарзандлар қолди. У кишидан ҳали китоб шаклига кирмаган яхши шеърлар, қиссалар қолди. «Ёш ленинчи» газетасининг кўп йиллик сарғаймас таҳламларида қалб ҳарорати, уйқусиз тунларнинг ҳосиласи бўлмиш очерк ва мақолалар, ширин-ширин суҳбатлар қолди.

Ҳарқалай, «Кейин эслаб юрарсиз!» деган илтижоли сўзлар бор-ку! Ўша сўзлар кўнгилга юпанч бўлиб қолди, холос.

**Шавкат ТУРОБ.**

# ДУНЁ ЯНГИ АСР БЎСАҒАСИДА

**воқеалар • мамлакатлар • одамлар**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

◆ Вьетнам президенти Чан Дик Лионг беш кунлик расмий ташриф билан Хитойга келди. Ушбу ташриф янги асрда икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш йўлидаги қадамдир, деди Ч.Д.Лионг. Айни пайтда у Хитой ҳукумати раҳбари Цзян Цзэмин билан музокара ўтказмоқда. Учрашувлар якунида чегара, шунингдек, балиқчилик соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланиши кўзда тутилган.

◆ Эритрея ва Эфиопия ҳарбий асирларни алмашишга киришди. Якшанба куни Асмэра портига юзга яқин эритреялик ҳарбий асир олиб келинди. Сўнгра ўша самолёт тутқунда ушлаб турилган 90 нафар эфиопиялик аскар ва зобит билан Аддис-Абебага учиб кетди. Икки давлат янги йилгача 700 га яқин асир алмашишга келишиб олган. Мазкур операция ташаббускори бўлган Халқаро Қизил хоч қўмитаси маълумотига кўра, айни пайтда 2,5 минг эритреялик ва мингдан зиёд эфиопиялик ҳарбий тутқунда сақланмоқда.

◆ Грецияда Италиянинг «Сакра корона унита» жиноий ташкилоти раҳбари Франческо Прудентино ҳибсга олинди. Италия полицияси 1995 йилда уюшган жиноятчилик, қотилликда айблаб, унинг устидан қидирув эълон қилганди. Маълум бўлишича, Ф.Прудентино шу пайтга қадар Грецияда яшириниб келган. Греция прокуратураси вакилининг айтишича, жиноятчи Италия полицияси ихтиёрига топширилади.

*XX асрнинг сўнгги юлдузлари*

# МАНГУ ҚЎШИҚ

Назокатли мусиқа янграйди. Қулоқ тутасиз. Сизга таниш садолар эшитила бошлайди:

*Қувноқ дўстларим,*
*аллақачонлар,*
*Хайрлашдик мактаб*
*билан биз.*
*Лек, ҳар йили қадрдон*
*синфга,*
*Соғинч ила келамиз учиб.*
*Ҳовлидаги терак, оққайин,*
*Таъзим билан кутади*
*майин.*
*Мактаб вальси янграр*
*биз учун.*

Мактаб вальси... Қадрдон болалик даврининг энг ажиб ашуласи. Уни жаҳонга машҳур бастакор, бир неча марта халқаро мукофотларга сазовор бўлган, ўнлаб опера, симфония ва қўшиқларнинг муаллифи Исаак Дунаевский яратган. Лекин, қўшиқ қандай дунёга келганини кўпчилик билмаса керак.

1950 йил эди. Мактабларнинг бирида битирувчи синф қизлари тўпланиб қолишди. «Битирув оқшомида ўз вальсимизни ижро этсак, қандай яхши бўларди?, деб қолди қизлардан бири. «Уни ким ёзиб беради?» эътироз билдирди бошқаси. «Бўпти, деди Юлия Плахотник, мен Дунаевский деган композиторга хат ёзаман. Агар кўниб қолса, бир умр айтиб юрадиганимиз қўшиқ дунёга келарди».

Юлия Дунаевскийга қўшиқ қандай бўлиши кераклигини батафсил тушунтириб, хат ёзди. Уни ҳамма ерда мактаб битирувчилари, ҳатто ёшу қари айтадиган бўлишини қайта-қайта уқтирди. «Бу хатни расмий буюртма деб қабул қиласиз», деб қўшиб қўйди охирида.

Мактуб Исаак Дунаевскийга бориб етди. Таклиф унга ҳам манзур бўлди. Бир куни Исаак Осипович дўсти машҳур шоир Михаил Матусовскийга хатни кўрсатиб, шеър ёзишни таклиф қилди. Буни қарангки, шоирнинг ёнида мактаб ҳақида ёзилган шеър бор экан. «Дастлаб мен «Биринчи ўқитувчи» деган шеър ёздим, эслайди шоир, Дунаевский унга мусиқа басталаб, романс яратди. У мустақил асар сифатида ҳаётда ўрнини топиб кетди. «Бизга, деди композитор дўстим, янги шеър керакка ўхшайди!, Шундай қилиб, иккаламиз анча тер тўкдик».

«Дастлаб ўқитувчи ҳақида қўшиқ яратмоқчи бўлдик, деб ёзган эди бастакор ўз эсдаликларида, анча пайтгача мактаб вальсини қандай қилиб ёзамиз, деб ўйлаб юрдим. Шунда эсимга битирув оқшомлари тушди. Бир-иккитасига қатнашдим ҳам. Мактабни соғиниш ҳисси мени ҳам чулғаб олди. Ниҳоят, қўшиққа нуқта қўйдик. Уни илк бора ўғлим ўқийдиган бадиий билим юрти ҳаваскорлари ижро этишган эди. Шу даражада машҳур бўлиб кетишини асло-асло ўйламаганман.

Қўшиқ радиоларда ижро этилди, минглаб нусхада пластинкаларга ёзилди, ноталарини сўраб бастакорнинг уйига хатлар ёғилиб кетди. «Мактаб вальси» ёшу қарининг юрагини батамом забт этган эди. Таниқли хонанда Георгий Виноградов ижро этган бу қўшиқ деярли ҳар куни ижро этиларди.

Кунлардан бир куни «Мактаб вальси»ни воронежлик ўқувчи қиз, эндиликда Москва тиббиёт институтининг талабаси Юлия Плахотник ҳам эшитиб қолади. Дарҳол Исаак Осиповичга хат ёзди. Ҳали ҳам қўшиқни кутаётганини, аммо композитордан хат-хабар келмаганини айтиб, афсусланди.

Дунаевский ҳам дарҳол жавоб йўллади. «Азизим Юля, мактубингизни олдим, жуда хурсанд бўлдим. Сиз сабаб «Мактаб вальси» дунёга келди. Ўзи анчадан бери шу мавзуда бир асар яратиш ниятим бор эди. Сизнинг мактубингиз уни тезлаштирди. Бу қўшиқ аслида сизники, сизга эсдалик учун унинг бир нусхасини юборяпман».

«Мактаб вальси», гарчи машҳур бўлиб кетган бўлса ҳам, биронта матбуотда эълон қилинмаган эди. Дунаевский Юлияга унинг қўлёзмасини дастхат билан тақдим этди.

Ушбу қўлёзма врач-рентгенолог Юлия Сергеевна Плахотник – ҳозирги фамилияси Меркушсованинг уйида азиз тутиб сақланади. Ҳар гал Юлия Сергеевна уни ўқиганида, олис болалик йилларини эслайди.

Одатда адиб ёки бастакор жуда ҳам кўплаб асарлар ёзади. Лекин, биттаси унинг номини эл-юртга танитади. «Мактаб вальси» ҳам Исаак Дунаевскийнинг энг ойдин қўшиғи сифатида ҳали ҳам эҳтирос билан ижро этилади. Зеро, жўшқин ёшликни куйлаган бастакорнинг бахти ҳам мана шунда. Гарчанд ўзи орамизда йўқ бўлса ҳам қўшиғи билан ҳамиша барҳаётдир.

**Темир ЙЎЛДОШЕВ.**

### БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

● Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Африкада безгак билан оғриётганлар сони тобора кўпайиб бораётганидан ташвиш билдирди. Қитъада бу касалликка қарши шошилинч тадбирлар ўтказилиши лозим, деди ташкилот вакили.

● АҚШ уй-жой қуриш ва шаҳар тараққиёти вазирлиги уйсиз юрган икки юз минг кишига ёрдам кўрсатишга қарор қилди. Шу мақсадлар учун бир миллиард доллар ажратди. Маблағ бундай фуқароларни турар-жой билан таъминлашга сарфланади.

● Япония келаси йили мудофаа харажатлари учун 43,8 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратмоқчи. Бу жорий йилда шу соҳа учун сарфланган маблағдан 0,4 фоиз кўп. Бироқ қанчалик катта кўринмасин, бу маблағ мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 0,96 фоизини ташкил қилади, холос.

**(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).**

### ЖАЗО КУЧАЙТИРИЛИШИ ТАЙИН

Покистон БМТ Хавфсизлик кенгашининг «Толибон» ҳаракатига нисбатан халқаро иқтисодий жазони кучайтириш ҳақидаги резолюциясига амал қилиши тайин, деди мамлакат ташқи ишлар вазирлиги расмий вакили. Унинг айтишича, бундай жазодан Покистон иқтисодиёти катта зарар кўрса-да, расмий Исломобод БМТ қоидаларига зид иш қилиш ниятида эмас.

### КУТИЛМАГАН СОВҒА

НАТО расмий вакили Франко Велтри Шимолий альянс ва АҚШнинг Италиядаги ҳарбий базаларини қўриқлаш янада кучайтирилганини билдирди. Европа жанубида аксилальянс кайфияти кучаймоқда. Айниқса, янги йил арафасида кутилмаган қўпорувчилик ҳаракатлари ҳам содир бўлиши мумкин, деди Ф.Велтри.

